XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚУЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Б.РАСУЛОВ

Статья посвящена вопросам анализа состояния кулацких хозяйств в Узбекистане в 20-30-е годы XX века. Репрессии, примененные против кулацких хозяйств различными советскими органами и их идеологически-правовое обоснование, раскрыты на основе архивных документов и материалов.

The article deals with the descriptive analysis of 'kulak' farms in Uzbekistan during the 20s-30s of the XXth century. Repression used against such farms by various former Soviet authorities and their ideological and legal basis are disclosed on the basis of archival materials.

Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30-йилларидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда, расмий ёзишмаларда, илмий-оммабоп адабиётларда, бадиий-публицистик асарларда ҳамда вақтли матбуотда “муштумзўр”, “қулоқ” атамалари кенг қўлланган. Рус тилидаги “кулак” атамасининг большевистик совет ҳокимияти томонидан ўзбек тилида дастлаб “муштумзўр”, кейинчалик “қулоқ” сифатида қўлланишининг сабабларини ва мазкур атамалар қишлоқ аҳолисининг қайси қатламларини ифода этганини аниқлаш 1920-1939 йиллардаги ўзбек қишлоқларида юз берган фожиаларнинг асл моҳиятини англашга ёрдам беради. Чунки колективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағон объек-ти бўлган қулоқлар масаласига ойдинлик киритиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аслида "қулоқ"лар ким эди деган саволга жавоб сифатида академик Р.Х.Аминова: "қулоқ"лар бир неча йил илгари ер олиб, ўз меҳнати эвазига маъмур яшаётган кишилар эди. ... асосан пахтачилик билан шуғулланадиган камбағал деҳқонлар етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш, бозорга чиқариб сотиш учун мардикорлар ёллашга мажбур бўлганлар. Ота боболаримиз диндорлиги учун ҳам, маъмурий талабларга эътироз билдиргани учун ҳам, шахсий адовати учун ҳам қулоқ қилинганлар"[1.183-188],- деб ёзади. Шуниси эътиборга моликки, 1929 йилда, ёппасига коллективлаштириш бошланган даврда, кимлар "қулоқ" эканлиги ҳақида якуний хулоса йўқ эди. Шу боис бутуниттифоқ миқёсида кимлар аслида "қулоқ" ва кимларнинг мол-мулки мусодара қилиниши керак деган масала юза-сидан муҳокамалар, ортишувлар бўлиб ўтган. Жумладан, кимни "қулоқ", "муштумзўр" деб аташ борасида "Камбағал деҳқон" ("Беднота") газетаси қуйидаги сўровнома асосида сўров ўт-казган:

Иккитадан тўрттагача сигири, икки-учта оти, ўртача уйи бўлган деҳқонни "буржуй" деб ҳисоблаш мумкинми?

Совет қонунлари асосида тегирмонни ижарага олиб юргизаётган ижарачини "қулоқ" ёки "буржуй" деб ҳисоблаш мумкинми?

Очликдан ўлмаслик учун майда савдогарлик билан шуғулланаётган камбағални "қулоқ" деб аташ мумкинми? [3.61].

Аҳолининг турли қатламларидан келган жавоб хатлари газетада кенг ёритиб борилган. Мунозарада иштирок этганларнинг кўпчилик қисми мулкий белгиларга кўра "қулоқ" деб топиш нотўғри, сидқидилдан меҳнат қилиб, ўз хўжалигини яхшилаётган ва қўшимча ҳайвон олиб мамлакатнинг тикланишига ёрдам бераётганлар эмас, балки ҳозирга қадар ишчи-деҳқон ҳукуматини қабул қилмаётганлар ва Николай подшонинг тешик кулчаларини қўмсаётганлар “қулоқ” деб ҳисобланиши зарур деган хулоса берганлар [4.61].

Иккинчи савол бўйича баъзилар тегирмон ва мойжувозни ижарага олиб ишлатаётганларни "қулоқ" деб бўлмайди десалар, бошқа бир қисми эса тегирмон ва мойжувоз ижарачиси бойиб кетади, ҳар қандай бой хўжалик совет ҳокимияти душмани деб ҳисоблаганлар.

Учинчи – очликдан ўлмаслик учун майда савдогарлик билан шуғулланаётганларни "қулоқ" деб аташ мумкинми деган саволга асосий кўпчилик “ҳа, бундай хўжалик "қулоқ" хўжалиги” деб жавоб берган. Сабаби, уларнинг фикрича, ўз хўжалигини яхшилаш ўрнига савдо йўлини танлаган ва енгил даромад йўлини қидираётган ҳар қандай кишидан келгусида “қулоқ” ўсиб чиқади, бундай одам камбағаллигида “кичкина қулоқ”, бойиган сари эса “ҳақиқий кулоқ”қа айланади [4.61].

Мазкур масалада Ўзбекистондаги арбоблардан И.Хидиралиев ҳам ўз қарашларини ифода этган. СССР ХКС раиси А.И.Риковнинг "Иккита моли, иккита оти бўлган қулоқ биз учун ҳеч қан-

дай даражада қўрқинчли эмас ва шунга эришишимиз керакки, токи ҳамма иккита оти бор, иккита моли бор қулоқлар бўлсин" деган фикрини ёқлаб чиққан. У миллий қишлоқларда Россиядагидек қулоқлар йўқлигини кўрсатиб, камбағал деҳқонлар билан ўртаҳол деҳқонларни бирлаштириш ва шу йўл билан қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун осойишта шароит яратиш мумкинлигини асослаган [3.37]. Бундай мунозаранинг вужудга келишининг ўзиёқ большевикларда кимни "қулоқ" деб аташга доир ягона ёндашув йўқлиги ва бу ишнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлигини кўрсатади. Мазкур ҳол эса коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсатини амалга оширишда қонунбузарликлар учун шароит яратган.

Совет қонунчилигидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам рус тилида кулак, ўзбек тилида муштумзўр атамалари 1920 йилларда кенг истеъмолда бўлганини кузатиш мумкин [6]. Қу-лоқларнинг иқтисодий-ижтимоий мақоми ва синфий белгиларига аниқлик киритилди. Деҳқоннинг ерга бўлган ҳуқуқи икки ҳолат билан: деҳқоннинг синфий ҳолати – қулоқ; сиёсий ҳуқуқларининг мавжудлиги – "ҳақсиз"лиги билан аниқланадиган бўлди.

"Кооперация тўғрисида"ги қонунда "қулоқ" ва "қулоқ (капиталистик) элементлар" терминлари қўлланган. Ер қонунчилигида деҳқон хўжаликлари икки тоифага – "меҳнаткаш" ва "меҳнатсиз даромад топувчи" хўжаликларга; ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тартибларини белгиловчи қонунчиликда "меҳнаткаш" ва "саноат типидаги" хўжаликларга; меҳнат қонунчилигида "меҳнаткаш", "тадбиркорлик типидаги" ва "қулоқ типидаги" хўжаликларга ажратилди.

1929 йилгача Ўзбекистон ССРдаги хўжалик органлари пай миқдорини, контрактация ва топширадиган маҳсулот нормасига қараб аванс белгилашда, ссуда бериш ва ссуда фоизларини дифференциал (табақалашган) ҳолда аниқлаш бўйича тезкор ишларида солиқ оклади маълумотларидан фойдаланганлар [7]. Мисол учун, Ўзбекпахтасоюз ва Ўзбекбирлашувнинг пай бадалларини дифференциал (табақалашган) ҳолда йиғиш мақсадида қуйидаги схема қўлланган :

№	Ижтимоий гуруҳлар	Ўзбекпахтасоюз	Ўзбекбирлашув
1.	Камбағал	қ/х солиғидан озод қилинган – пай 20 сўм.	қ/х солиғидан озод қилинган – пай 10 сўм.
2.	Ўртаҳол	36 сўмгача солиқ тўлаган – пай 40 сўм.	20 сўмгача солиқ тўлаган – пай 15-20 сўм. Округига қараб.
3.	Тўқ	36 сўмдан юқори солиқ тўлаган – пай 60 сўм.	20 сўмдан юқори солиқ тўлаган – пай 20-30 сўм. Округига қараб.
4.	Қулоқ	-	Якка тартибда солиққа тортилган – пай 50 сўм.

Схемага асосланиб шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларининг ижтимоий гуруҳларга мансублигини аниқлашда ягона ва аниқ ёндашув бўлмаган. Совет хўжалик органларининг тезкор тадбирлари жараёнида айнан битта қишлоқдаги, айнан битта деҳқон хўжалиги бир вақтнинг ўзида икки хил ижтимоий гуруҳга киритилган.

ЎзССР Молия Халқ комиссарлиги (Наркомфин) органлари якка тартибда солиққа тортишда хўжаликнинг йиллик умумий даромади миқдорини бош мезон қилиб олган. Умумий даромади 600 сўмдан ортиқ бўлган хўжаликлар яққол қулоқ хўжалиги ҳисобланган. ЎзССР ХКСнинг 1929 йил 6 июндаги "Имтиёзлардан фойдаланмайдиган яққол қулоқ хўжаликларнинг аломатларини ўрнатиш ҳақида"ги қарорига асосан "яққол қулоқ хўжаликлар"га:

а) 1929 йилда якка тартибда солиққа тортилган барча хўжаликлар;

б) бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ доимий ишчи ва чорикор ишлатаётган ёки ёлланма ишчисиз икки ва ундан ортиқ чорикорни ушлаб турган хўжаликлар;

в) қишлоқ хўжалик ишларида мунтазам равишда ёлланма меҳнат қўллаётган хўжаликлар. (Истисно қилинадиган ҳолатлар: хўжаликда меҳнатга яроқли эркакнинг йўқлиги ёки касаллиги, февралдан ноябргача бўлган мавсумда суғориладиган ерининг ярмидан кўпига пахта эккан ва боғдорчилик, узумчилик, полизчилик хўжаликларида 150 кун, бошқаларда 120 кун фақат битта хизматкор ёллаш мумкин бўлган);

г) қишлоқ хўжалик мавсумида битта хизматкор ва битта чорикор ишлатиш билан бир вақтда доимий суратда савдо ишлари, судхўрлик билан шуғулланса ёки корхона очса;

д) ерга ишлов беришда ёлланма меҳнат ва чорикордан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигидан қатъи назар, ёлланма куч ишлайдиган корхонаси

бўлган ёки иккинчи ва олий разряд савдоси бўлган хўжаликлар;

е) диний хизмат вакилларининг хўжаликлари [7] киритилган.

Ўзбекистон ССРдаги барча қулоқ хўжаликларини Наркомфин даромадларига қараб икки тоифага бўлган. Биринчисига умумий даромади 600 сўмгача бўлган хўжаликлар киритилган. Улар якка тартибдаги солиққа тортилмаган бўлса ҳам, пахта экишни кўпайтирган, партов ва чўл ерларни ўзлаштирган хўжаликлар учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланмаган.

Иккинчиси, умумий даромади 600 сўмдан кўп бўлган хўжаликлар бўлиб, якка тартибда солиққа тортилган. Ҳеч қандай, яъни СССР НКФнинг 1929 йил 13 июлдаги № 571 Циркулярига асосан белгиланган:

- кўпболали (7 тадан кўп боқимандаси бўлган) оилалиги учун солиқ окладидан 5-10-15 % ли чегирма (лекин ҳар бир боқиманда учун даромаддан 20 сўм ушлаб қолинган);
- экин майдонларини кенгайтирганлик учун;
- пахтанинг 100% окладланиши, бошқа хўжаликларнинг 50% и;
- ҳарбий хизматчилар, кўчирилганлар, бошқа жойга ўрнашганлар, табиий офатдан жабрланганлар ва бошқаларга бериладиган имтиёзлардан маҳрум қилинган.

Деҳқон хўжаликларини ижтимоий гуруҳларга ажратиш ва қулоқ хўжаликларини аниқлашда совет хўжалик органлари қўллаган турли-туман ва бир-бирига зид бўлган бу схемалар ЎзССР Марказий Статистика бошқармаси фаолиятида жиддий қийинчиликлар туғдирган. Шу сабабли ЎзССР МСБ Статплани НКФга 1929/30 йилдан бошлаб қўллаш учун ягона схема ишлаб чиққан. Унга боқимандалар сонини ҳисобга олган ҳолда даромадига қараб солиққа тортиладиган шкала асос қилиб олинган. Унга кўра, ўртаҳол хўжалик – қишлоқ хўжалик солиғи бўйича барча имтиёзларга эга бўлган. *3–тоифага киритилган ўртаҳоллар у*мумий тартибда солиққа тортилган. Солиққа тортилмайдиган минимум даромади 500 – 600 сўмгача, солиқ оклади 92 сўм 75 тийиндан 120 сўм 75 тийингача белгиланган. *4–тоифага мансуб ўртаҳол хўжаликлар фоиз* қўшимчаси билан солиққа тортилган. Даромади 500 – 600 сўмдан юқори бўлса, солиқ оклади 92 сўм 75 тийин – 120 сўм 75 тийиндан юқори бўлган.

Қулоқ хўжалиги эса қишлоқ хўжалиги солиғи имтиёзларидан турли даражада маҳрум қилинган. *5–тоифадаги қулоқ хўжаликларга* 600 сўмдан ошмаган даромадга эга хўжаликлар киритилиб, якка тартибда солиққа тортилмаган, аммо экин майдонини кенгайтирганлик имтиёзидан маҳрум қилинган. *6–тоифадаги қулоқ хўжаликлари* 600 сўмдан ортиқ даромадга эга бўлгани учун якка тартибда солиққа тортилган ва барча имтиёзлардан маҳрум қилинган [8]. Айнан, 4 тоифадаги ўртаҳоллар ва 5 тоифадаги қулоқ хўжаликлари даромадлари ўртасида фарқ аниқ чегаралаб қўйилмагани жуда кўп ўртаҳол хўжаликларни қулоққа тортишга асос бўлган.

Ҳақли равишда 1929 йилда, яъни ёппасига коллективлаштириш ва “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсати эълон қилиниши арафасида, Ўзбекистон ССРда қулоқ хўжаликлари сони нечта бўлган? – деган савол туғилади. Афсуски, буни аниқлашнинг имкони йўқ. Ҳатто, ЎзССР Халқ Комиссарлари Советида ҳам қулоқ хўжаликлари сони бўйича аниқ маълумот бўлмаган. 1929 йил 29 октябрда ҲКС раиси Файзулла Ҳўжаевга йўлланган ҳужжат фикримизга далил бўла олади. Унда 1929 йил 19 октябрь ҳолатига Ўзбекистон бўйича турли комиссарлик ва муассасалар томонидан ҳисобда бўлган деҳқон хўжаликларининг сонида жиддий тафовутлар мавжуд. Жумладан, ЎзССР Молия Халқ комиссарлигининг маълумотида қулоқ хўжаликлари 6869 та, тўқ хўжаликлар 50850 та, ўртаҳоллар 102205 та, камбағаллар 343664 та кўрсатилган. “Ўзпахтасоюз” маълумотида қулоқ хўжаликлари 8514 та, тўқ хўжаликлар 5318 та кўрсатилгани ҳолда, ўртаҳол ва камбағал хўжаликлар ҳақида маълумот берилмаган. ЎзССР Давлат режа қўмитасининг маълумотида фақатгина қулоқ хўжаликларининг ўзи 12151 та, ЎзССР Савдо ҳалқ комиссарлиги маълумотида қулоқ ва тўқ хўжаликлар 17181 та деб кўрсатилган [9].

Бу ўринда нисбатан ҳақиқатга яқин рақам сифатида ЎзССР Молия Халқ комиссарлиги маълумотига таяниш мумкин. Чунки молия органлари жойларда ўз органларига эга бўлиш билан бирга йиллик солиқ ставкаларини белгилаш учун қишлоқ советларидан ҳар йили маълумот олиб турган. Унда республика бўйича деҳқон хўжаликларининг умумий сони 503588 тани [11] ташкил этганлигини эътиборга олсак, 1930 йил арафасида Ўзбекистон ССРда қулоқ хўжаликлари жами деҳқон хўжаликларининг бор-йўғи 2 фоизини ташкил этган.

ЎзССРдаги қулоқ хўжаликларини аниқлаш механизмини қуйидаги асослар бўйича ҳам таҳлил қилиш мумкин:

– ҳуқуқий асослар;

– иқтисодий (муддат ва миқдор бўйича) асослар;

– ижтимоий (ёлланма меҳнат, ишчи кучидан фойлаланганлик, диний фаолият) асослар.

Қулоқ хўжаликларини аниқлашдаги ҳуқуқий асос СССР МИҚ ва ҲКСнинг 1929 йил 20 февралдаги “Меҳнат қонун мажмуасини муштумзўр хўжаликларда қўллаш тартиби тўғрисида”ги қарори ҳисобланади. Унда асосий мезон қилиб ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тартиби олинган. Қарорга кўра ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи деҳқон хўжаликлари меҳнат қонунларини қўллаш жиҳатидан уч гуруҳга бўлинган:

Биринчи гуруҳни батракларни (ёрдамчи сифатида) ёллайдиган ўртаҳол ва камбағал деҳқон хўжаликлари ташкил қилган. Бу хўжаликларга нисбатан СССР ХКСнинг1925 йил 18 апрелдаги “Деҳқон хўжаликларида ёрдамчи ёлланма кучдан фойдаланиш шароитлари тўғрисида вақтинча қоидалар” (“Вақтинча қоидалар”) қўлланган.

Иккинчи гуруҳни қулоқ типидаги деҳқон хўжаликлари ташкил қилади. Буларга нисбатан “Меҳнат қонуни мажмуасини қулоқ хўжаликларида қўллаш тўғрисида”ги қарорда кўрсатилган ўзгаришлар ва қўшимчалар қўлланган.

Учинчи гуруҳга корхоначилик типидаги хўжаликлар, яъни катта саноат асосидаги боғ, полизларда бир неча киши ишлайдиган ва фақат деҳқончилик хўжалигигина бўлмай, катта чорвачилик ёки балиқчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар киритилган. Бу гуруҳда меҳнат шартлари саноатдаги сингари тугал равишда Меҳнат кодекси билан тартибга солинган.

Иттифоқ ХКСнинг 1929 йил 20 февраль ва 21 майдаги директив қарорларида “деҳқон хўжаликларини муштумзўр қаторига киритиш иттифоқдош жумҳуриятларнинг СССР Халқ Комиссарлари шўроси томонидан берилган умумий директив асосда чиқарган қонунлари тартибида бажарилади” деган ҳуқуқий меъёрга асосан қулоқ хўжаликларнинг аниқ белгилари иттифоқдош республикалар ХКСлари томонидан белгиланган [5.21].

ЎзССР ХКСнинг 1930 йил 6 апрелдаги “Меҳнат қонунлари мажмуасини татбиқ қилиш тегишли бўлган муштумзўр хўжаликларнинг аломатлари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олишнинг тартиби тўғрисида”ги № 52 қарорнинг биринчи бандига асосан “қишлоқ хўжалиги ишларида ёхуд кустар саноатларида ва корхоналарида пайдар-пай равишда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи хўжаликлар” қулоқ хўжаликлари ҳисобланган. Бироқ қарорда қулоқ хўжаликка мансубликни хўжалик фаолияти тури ва ижтимоий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш меъёри ҳам киритилган [10]. Масалан, ер майдонининг ярмидан кўпига пахта экқан ҳамда боғдорчилик, ток ва полиз қилганларга меҳнат мавсумида 150 кундан, бошқаларда 120 кундан ошмаган муддатда битта ишчи; чорвачилик хўжаликларида иккитадан ошмаган подачи ёллаганлар қулоқ хўжалигига киритилмаслиги кўрсатилган. Шунингдек, меҳнатга яроқли эркак кишиси бўлмаганлар, бева хотинлар, етимлар, ногиронлар, ўқитувчи ва сайланадиган лавозимда ишлаётганларнинг хўжаликларида битта ишчи меҳнатидан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган. Бирлашган қишлоқ хўжалик солиғи солинадиган даромадларининг миқдори 500 сўмдан ошадиган хўжаликларда эса Меҳнат кодекси қўлланган [10].

Иттифоқдош республикалар билан қиёслаганда, уларда бошқа белгилар ҳам кўрсатилган. Масалан, Шимолий Кавказ ўлка ижроқўми 1926-1927 йилларда қулоқ хўжалиуларига қишлоқ хўжалик солиғига тортилган даромади ҳар бир боқимандага 140 сўмдан, аммо бир ёки икки боқимандаси бўлган хўжаликларда 315 сўмдан ошиқ бўлган хўжаликларни ҳам киритган. Аммо бошқа округларда солиқ солинадиган даромадларнинг бу нормаси камайтирилган. Белорусия ССР ХКСнинг қарори бўйича: “Вақтли қоидалар” шаҳар чизиғи ичида бўлган боғ, сабзавотчилик, парник ва сут хўжаликларида деҳқончилик машиналарини, иш ёки ҳосил тарқатувчи ҳайвонларни доимий равишда тўлов баробарига бературган ёки доимий равишда қарзлар тарқата турган хўжаликларга ҳам ижро қилинмаган” [5.17].

Қарорга биноан, Округ ижроия қўмиталарига Молия Халқ комиссарлиги билан келишилган ҳолда маҳаллий шароитларга кўра қулоқ хўжаликларининг белгиларини ўзгартириш ҳуқуқи берилган. Айни шу ҳолат аниқ ва бир хилда бажарилиши мажбурий бўлган меъёрнинг киритилмагани мамлакатда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида адолатсизликларга кенг йўл очиб берган. Қулоқ хўжалигини белгилашда “киши кучидан фойдаланган”, “одам ишлатган”, “меҳнатсиз даромад топган” деган айблар асосий ўринга чиққан. Чунки Ўзбекистон шароитида пахтадан бошлаб барча боғдорчилик ва полиз экинлари кўп меҳнат талаб қилиш билан бирга қисқа муддатда йиғиб-териб олишни талаб қилган. Бу вақтда нафақат бой деҳқонлар, балки ўртаҳол ва камбағал деҳқон хўжаликлари ҳам мавсумий ёлланма ишчилар кўмагига муҳтож эдилар. Мазкур ҳолат большевикларнинг мажбурий коллективлаштириш сиёсатига ошкора қарши бўлган ва унга хайрихоҳ бўлмаганларни айбдор қилишда қўл келди [2.21]. Айрим нопок кимсаларнинг шахсий адовати орқали ўч олишларига имкон туғдирди.

Хуллас, XX асрнинг 20-30 йилларида "муштумзўр", "қулоқ" номлари остида қишлоқ аҳолисининг катта бир ижтимоий қатлами турли

чеклашлар, сиқув ва сиёсий қатағонларга дучор этилди. Большевикларнинг маккорона сиёсати туфайли коллективлаштириш жараёнида асрлар давомида шаклланган ижтимоий муносабатларга путур етди. “Муштумзўр”, “кулак” ҳамда “қулоқ” ҳақоратомуз атамалари сиёсий сабабларга кўра, расман қишлоқ аҳолисининг ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи ўзига тўқ, ишбилармон қисмига ва диндорларга нисбатан татбиқ қилинган. Амалиётда эса большевикларнинг мажбурий коллективлаштириш сиёсатидан норози бўлган камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар ҳам “қулоқ”, “қулоқнинг думи”, “ёт унсур”, “аксилинқилобчи” тамғалари остида сиёсий қатағонларга учраган.

Адабиётлар:

1. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш - қашшоқлаштириш демак. //Шарқ Юлдузи.- 1992. - № 12.
2. Доброноженко Г.Ф. "Кулаки" в социальной политике государства в конце 1920-х – 1930-х гг. (на материалах Северного края). Автореф. дис.. д.и.н. – Архангельск: ПоморГУ, 2010. – С.5
3. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. -Т.: Шарк, 2001.
4. Солопов А.Н. Кого считали кулаком в 20-годы. //Вопросы истории КПСС. –1990. - № 10.
5. Mushtumzo’r xo’jaliklardagi batrak va batrachkalarni qonun qanday himoya qiladi. –T.: Davlat mehnat nashryoti O’rta Osiyo sho’basi, 1930.
6. Ozbekiston Ijtimaiy Shoro Jumhuriyatining amaldagi qonunlarining jigindisi. II, III, IV qismlar. Samarqand-Toshkent: O’znashr, 1930.
7. ЎзР Андижон вилоят давлат архиви (АВДА)189-фонд, 1-рўйхат, 332-иш, 1-2 варақлар.
8. ЎзР АВДА 189-фонд, 1-рўйҳат, 332-иш, 3-4 варақлар.
9. ЎзР Марказий давлат архиви 837-фонд, 6-рўйхат, 246-иш, 33 варақ; 8-рўйхат, 311-иш, 140-144 варақлар;
10. ЎзР МДА. 837-фонд, 8-рўйхат, 311-иш, 76-78 варақлар
11. ЎзР. МДА. 837-фонд, 8-рўйхат, 311-иш, 140 варақ

Андижон давлат университети,
2013 йил 6 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Ражабов)